



КОРХОНАЛАРНИНГ ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

PhD, доц. **Фозилжонов Иброҳимжон**

Тошкент халқаро университети

ORCID: 0000-0002-3036-3828

ifoziljonov@tsue.uz

Аннотация. Ушбу мақолада корхоналар пул оқимлари тушунчасининг илмий-назарий асослари, уларнинг туркумланиши, пул оқимларини бошқаришнинг усуллари ва аҳамияти ҳамда пул оқимларини шаклланиш манабалари хусусида сўз борган. Хусусан, пул оқимларининг моҳияти ва уларни шакллантирувчи омилларни чуқур англаш ҳамда пул оқимларини самарали бошқара билиш корхонанинг молиявий барқарорлиги, ривожини ва акциядорлар қийматини оширишнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир.

Калит сўзлар: пул оқими, операцион фаолият, молиявий фаолият, инвестицион фаолият, пул оқимларининг туркумланиши.

ПОНЯТИЕ ДЕНЕЖНЫХ ПОТОКОВ ПРЕДПРИЯТИЙ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ

PhD, доц. **Фозилжонов Иброҳимжон**

Ташкентский международный университет

Аннотация. В данной статье рассматриваются научно-теоретические основы понятия денежных потоков предприятий, их классификация, методы и значение управления денежными потоками, а также источники их формирования. В частности, подчеркивается, что глубокое понимание сущности денежных потоков и факторов, их формирующих, а также умелое и эффективное управление ими являются одними из ключевых условий обеспечения финансовой устойчивости предприятия, его развития и повышения стоимости для акционеров.

Ключевые слова: денежный поток, операционная деятельность, финансовая деятельность, инвестиционная деятельность, классификация денежных потоков.

THE CONCEPT OF CASH FLOWS OF ENTERPRISES AND THEIR SIGNIFICANCE

PhD, assoc. prof. **Foziljonov Ibrohimjon**

Tashkent International University

Abstract. This article discusses the scientific and theoretical foundations of the concept of enterprise cash flows, their classification, methods and importance of cash flow management, as well as the sources of cash flow formation. In particular, it emphasizes that a deep understanding of the nature of cash flows and the factors shaping them, along with effective management of cash flows, are among the crucial conditions for ensuring the financial stability, development, and increasing the value of shareholders' equity of an enterprise.

Keywords: cash flow, operating activities, financial activities, investing activities, classification of cash flows.

Кириш.

Пул оқимларини тўғри бошқариш корхона фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, ташқи қарз мажбуриятларини ўз вақтида бажариш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шу сабабли, пул оқимлари тузилиши, турлари ва уларни таҳлил қилиш механизми молиявий менежментда муҳим ўрин тутди. Пул оқими тушунчаси корхона ёки молиявий субъектнинг муайян даврдаги барча пул тушумлари ва тўловлари, яъни пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг кирим-чиқими йиғиндисини билдиради. Пул оқимлари бу хўжалик юритувчи субъектнинг кассадаги нақд пуллар ҳаракати бўлиб, у келиб тушган пул маблағлари ва сарфланган пул маблағлари оқимини ўз ичига олади. Пул маблағлари деганда корхонанинг нақд пуллари ва талаб қилиб олингунига қадар депозитлардаги маблағлари тушунилади, пул эквивалентлари эса тезда нақд пулга айлантириш мумкин бўлган, қийматида сезиларли ўзгариш бўлмайдиган юқори ликвидли қисқа муддатли инвестициялар назарда тутилади. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот – бу ҳисобот даври давомида корхонанинг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни батафсил акс эттирувчи молиявий ҳисобот қисми ҳисобланади. Пул оқимлари ҳисоботининг асосий вазифаси – молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини субъектнинг пул маблағлари ҳаракати тўғрисида тўлиқ ахборот билан таъминлашдир. Мазкур ҳисобот корхонанинг молиявий аҳволидаги ўзгаришларни баҳолашга ёрдам беради ҳамда давр мобайнида қанча пул тушгани ва қанча пул чиқиб кетгани ҳақида маълумот беради. Пул оқимлари ҳисоботидан фойдаланиш корхонанинг пул маблағларини жалб этиш ва сарфлаш қобилятини ҳамда уларнинг манбалари ҳақида тасаввур беради. Бу ҳисобот маълумотлари фойдаланувчиларга корхонанинг нақд пулни яратиш, ундан фойдаланиш ва келгусидаги пул оқимларини тўғри режалаштириш юзасидан хулоса чиқаришга хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Акциядорлик жамиятларининг пул оқимлари маълум вақт мобайнида шаклландиган соф пул оқими ҳисобланади. Ушбу шакллантирилган пул оқимини капитал оқими билан боғлиқ ҳолда баҳолаш лозим (Бригхем ва Хьюстон, 2013). Шунингдек, акциядорлик жамиятининг пул оқими инвесторларга қайтадиган нақд пул шаклидаги жамият инвестицияларининг таъсирини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланди. Акциядорлик жамиятининг инвестициялар бўйича пул оқимининг таркиби соф фойда, моддий ва номоддий активларнинг эскириш суммасидан ташкил топади (Бланк, 2005). Ўз навбатида, бошқа бир олимлар тадқиқотида пул оқимларига қўйдагича таъриф бердилар: “Акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқариш фаолиятдан кутиладиган пул оқимидан маҳсулот таннархи ва бошқа харажатларни ҳамда солиқларни айириб ташлаш йўли билан аниқланади” (Брейди ва Мейерс, 2014).

Яна бошқа бир олимларнинг тадқиқотига кўра, акциядорлик жамиятининг пул оқими узлуксиз жараён ҳисобланди. Шу боис, жамият маблағлардан фойдаланишнинг ҳар бир йўналиши учун тегишли манбалари мавжуд бўлиши лозим. Кенгроқ айтадиган бўлсак, акциядорлик жамиятининг активларидан фойдаланиш соф пул оқимидан фойдаланишни кўрсатади. Мажбуриятлар ва хусусий капитал эса соф пул оқимлари манбаи ҳисобланади (Джеймс ва Джон, 2008).

Акциядорлик жамиятларининг пул оқимларини кўпгина иқтисодчи олимлар ўрганишига қарамай, пул оқими тушунчасига қарама-қарши фикрлар мавжуд бўлиб, иқтисодчи олимлар асосан акциядорлик жамиятининг молиявий-хўжалик фаолиятининг турли жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда пул оқимлари бўйича тушунчаларни шакллантиради.

Бир иқтисодчи олим “Пул оқими – акциядорлик жамиятининг ҳисобот ва режалаштирилган давр учун кирим ва чиқим қилинган пул маблағлари миқдоридир” (Бочаров, 2019) деб таъкидлаган бўлса, бошқа бири акциядорлик жамиятининг операцион фаолиятдан олинadиган пул оқими айланма маблағлар ва амортизация харажатлари чегириб ташланганидан сўнг ҳосил бўладиган пул маблағлари ҳисобланади (Воронченко, 2012). Унинг назарида, ушбу ҳосил бўлган пул маблағлари жамият учун маълум даврда соф пул оқими бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, акциядорлик жамиятининг пул оқими инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва жамият активларини ишлаши натижасида ҳосил бўлган пул маблағларининг вақт бўйича тақсимланган тушумлари ва тўловлари ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, таққослаш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг корхона пул оқимларини бошқариш билан боғлиқ фаолиятидаги иқтисодий қарашлари, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича изланишлари ҳамда соҳага доир қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Амалиётда пул оқимларининг туркумланиши уларнинг манбалари, йўналишлари ва иқтисодий мазмунига қараб турли асослар бўйича амалга оширилади. Пул оқимларини мақсадли ва тизимли туркумлаш уларнинг таҳлил қилиш имкониятларини оширади, буни биз кўйидаги рамда кўриб ўтамиз.



1-расм. Корхоналар пул оқимларининг туркумланиши

Манба: муаллиф ишланмаси.

Расмдан кўриниб турганидек, корхона ва молиявий субъектлар фаолиятида пул маблағлари ҳаракати – яъни пул оқимлари – марказий ўрин тутди. Пул оқимларининг мантикий туркумланиши корхонанинг молиявий фаолиятини чуқурроқ таҳлил қилиш, стратегик қарорлар қабул қилиш ва узоқ муддатли ривожланишни таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Бу жараён нафақат молиявий таҳлилчилар ва менежерлар, балки инвесторлар, банклар, солиқ органлари ва бошқа манфаатдор томонлар учун ҳам аҳамиятлидир.

Пул оқимлари ҳисоботини таҳлил қилиш орқали субъектнинг ўз операцион фаолиятини молиявий барқарор давом эттира олишини, ривожланишга инвестиция кирита олишини ҳамда мажбуриятларини вақтида қоплаш қобилиятини аниқлаш мумкин бўлади. Корхонанинг пул оқимлари одатда уларнинг келиб чиқиш манбалари ва сарфланиш йўналишларига қараб уч асосий тоифага ажратилади: операцион (тижорат) фаолият пул оқимлари, инвестиция фаолияти пул оқимлари ва молиявий фаолият пул оқимлари ҳисобланади.



2-расм. Пул оқимларини бошқаришнинг асосий принциплари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Операцион фаолиятдан олинadиган пул оқимлари корхонанинг асосий даромад келтирувчи хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган тушум ва тўловларни ифодалайди. Бу бўлимда корхонанинг асосий ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолияти доирасидаги пул ҳаракати акс эттирилади. Операцион пул тушумларига тайёр маҳсулотлар ва хизматларни сотишдан тушган тушумлар, кўрсатилган хизматлар учун тўловлар, ҳисобварақ-фактуралар бўйича келиб тушган пуллар, шунингдек банк фоиз даромадлари ва акция дивидендлари киради. Операцион пул тўловлари эса хомашё ва товарлар учун етказиб берувчиларга тўланган маблағлар, ходимларга берилган иш ҳақи ва шу каби бошқа меҳнат тўловлари, ижара ва коммунал тўловлар, солиқ тўловлари ҳамда бошқа жорий харажатларга сарфланган нақд пуллар каби чиқимларни ўз ичига олади. Операцион фаолият пул оқими ижобий бўлса, яъни тушумлар тўловлардан ортиқ бўлса, бу корхона ўз жорий харажатларини қоплаш учун етарли нақд пул ишлаб

чиқараётганини билдиради. Аксига, салбий операцион пул оқими (тушумлар тўловлардан кам) корхонада пул маблағлари танқислиги мавжудлигини ёки айланма капиталнинг самарасиз бошқарилаётганини англатиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, операцион пул оқими корхонанинг ички молиявий барқарорлигини кўрсатувчи муҳим индикатор ҳисобланади – айнан шу маблағлар ҳисобидан компания ташқи молиялаштиришга мурожаат этмасдан туриб ўз фаолиятини давом эттира олиш-қолмаслигини баҳолаш мумкин. Пул оқимлари ҳисоботида операцион фаолиятдан олинadиган пул оқимини шакллантиришда икки хил усул қўлланилиши мумкин: бевосита усул ва билвосита усул. Бевосита усулда корхонанинг барча асосий нақд тушум ва тўловлари (харидорлардан тушган тушумлар, таъминотчиларга нақд тўловлар ва ҳ.к.) бевосита рўйхат қилиб кўрсатилади. Билвосита усулда эса ҳисобот даврининг соф фойдаси олиниб, унга нақд бўлмаган харажатлар (масалан, асосий воситалар амортизацияси) қайта қўшилади ва айланма капиталнинг ўзгаришлари (дебитор ва кредитор қарзлар, захиралар ўзгариши ва ҳ.к.) ҳисобга олиниб, операцион пул оқими кўрсаткичи аниқланади. Ҳар иккала усул орқали ҳисобланган операцион пул оқими қиймати бир хил чиқса-да, уларни тайёрлаш ва тақдим этиш шакллари фарқ қилади. Бевосита усул нақд ҳаракатини тўлиқроқ маълумот билан кўрсатади, бироқ уни қўллаш учун компаниядан батафсил касса маълумотлари талаб этилади; билвосита усул эса мавжуд молиявий ҳисоботлар асосида тезроқ ҳисобланади ва амалий жиҳатдан компаниялар томонидан кенгроқ қўлланилади.

Инвестиция фаолияти билан боғлиқ пул оқимлари корхонанинг узоқ муддатли активлари ва инвестиция объектлари бўйича амалга оширилган операцияларидан келиб чиқадиган нақд кирим ва чиқимларни кўрсатади. Инвестиция пул тушумлари таркибига корхонанинг асосий воситалари, ер-бинолари каби узоқ муддатли активларини ёки бошқа компаниялардаги улушларни сотишдан тушган пул маблағлари, аввал берилган қарзлар бўйича қайтарилган асосий сумма ва шу каби сармоявий даромадлар киради. Инвестиция пул тўловлари эса, аксинча, асосий воситалар, ускуналар, технологиялар сотиб олиш учун сарфланган капитал харажатлар (CAPEX), бошқа корхоналарни харид қилиш (қўшиб олиш) билан боғлиқ тўловлар, узоқ муддатли қимматли қоғоз ва лойиҳаларга инвестиция қилиш учун сарфланган маблағлар каби чиқимларни ўз ичига олади. Одатда, корхонанинг инвестиция фаолияти бўйича пул оқими манфий бўлиши табиий, чунки компания ўз ўсиши ва ривожланиши учун маблағларни сармоёга йўналтиради. Инвестиция фаолияти бўйича катта ҳажмдаги салбий пул оқими корхонанинг ўсиш ва кенгайишга қаратилган йирик капитал сарф-харажатлар қилиб, фаол инвестиция амалга ошираётганини кўрсатади. Корхона доимий равишда ўз активларини сотиш эвазига инвестиция фаолиятдан ижобий пул оқимига эришишга уринар экан, бу унинг молиявий қийналганини ва жорий маблағ етишмовчилигини яширишга ҳаракат қилаётганини англатиши мумкин.

Молиявий фаолиятга оид пул оқимлари корхонанинг ўз капиталини ва қарз маблағларини жалб этиш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китоб амалга ошириш жараёнидаги нақд тушум ва тўловларни акс эттиради. Молиявий пул тушумларига корхонанинг янги акциялар чиқариб сотиш орқали жалб қилган маблағлари, банк кредитлари ва облигациялар чиқариши орқали орттирган қарз пуллари каби киримлар киради. Молиявий пул тўловлари эса олинган кредитларнинг асосий қарз қисмини қайтариш учун чиқим қилинган пуллар, компания акциядорларига тўланган дивидендлар, ўз акцияларини қайта сотиб олишга сарфланган маблағлар каби тўловларни ўз ичига олади. Агар молиявий фаолият пул оқими ижобий бўлса, бу корхона фаол равишда ташқи молиялаштириш манбаларини жалб этаётганини билдиради; бундай пул оқими олинган маблағлар, кўпинча, корхонанинг кенгайиши ва янги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун сарфланади. Лекин молиявий пул оқимларининг ортиб боровчи ижобий кўрсаткичлари компаниянинг даромадлари ўсмасдан туриб

ортиқча қарзга ботаётганидан дарак бериши, яқин келажақда тўловга қобилиятлиликлка хавф туғдириши мумкин.

Молиявий фаолият бўйича чиқимлар устун келиб, соф пул оқими салбий бўлса, бу компания ўз қарз мажбуриятларини камайтираётгани, қарз олмасдан фаолият юритаётгани ёки фойдасининг бир қисмини акциядорларга дивиденд сифатида тўлаб, шунингдек бозордан ўз акцияларини сотиб олаётганини билдиради. Бундай ҳолат, одатда, операцион натижалари яхшиланган ва барқарор пул оқимлари яратаётган корхоналарда кузатилади; молиявий фаолиятдаги салбий пул оқими бундай корхоналарнинг акциядорлари учун қиймат қайтаришаётганидан далолатдир ва компаниянинг молиявий барқарорлигини намоён этади.




3-расм. Корхоналарнинг пул оқимлари элементлари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Пул оқимларини самарали бошқариш ва таҳлил қилиш учун, аввало, уни ташкил этувчи элементларни тўғри тушуниш талаб этилади. Пул оқимлари элементлари — бу пул ҳаракати жараёнида иштирок этувчи асосий қисмлар бўлиб, улар орқали корхонанинг молиявий фаолиятини аниқ ва тизимли таҳлил қилиш мумкин бўлади. 3-расмдан кўриниб турганидек, корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш, ликвидлик даражасини аниқлаш, инвестиция фаолияти ва молиялаштириш стратегиясини ишлаб

чиқишда асосий ўрин тутати. Пул оқимлари бир вақтнинг ўзида бир нечта манбалардан келиб чиқади ва турли йўналишларга қараб ҳаракатланади. Бу оқимлар аниқлаштирилиши ва тегишли категорияларга бўлиниши лозим.



4-расм. Корхоналарнинг пул оқимлари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Расмдан кўриниб турибдики, пул оқимлари баланси юқорида келтирилган уч асосий йўналиш бўйича барча пул тушумлари ва пул тўловларининг йиғиндиси ҳисобланади. Соф пул оқими ижобий бўлса, бу шу давр мобайнида корхонанинг нақд пул маблағлари қолдиғи ўсганини билдиради; салбий соф пул оқими эса аксинча, ҳисобот даврида нақд маблағлар пасайганини кўрсатади.

Соф пул оқими миқдори корхонанинг баланс ҳисоботидаги пул маблағлари қолдиғи ўзгаришини кўрсатади ва пул оқимлари ҳисоботи билан баланс ҳисоботи

ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди. Пул оқимларини таҳлил қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичлардан бири – Нақд пул оқими (Free Cash Flow, FCF) ҳисобланади. Нақд пул оқими – корхона ўз операцион харажатлари ва мажбурий капитал сарф-харажатларини (масалан, асосий воситалар хариди, ускуна ва иншоотлар инвестициялари) қоплагандан сўнг ихтиёрида қоладиган нақд пул маблағи ҳажмини англатади. Эркин пул оқими алоҳида мустақил пул оқими тури эмас, балки корхонанинг молиявий самарадорлик ва инвестицион жозибadorлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ижро кўрсаткичи сифатида қаралади. Ушбу кўрсаткич инвесторлар ва таҳлилчилар учун жуда муҳим бўлиб, компаниянинг реал молиявий аҳволини ва инвестиция учун мавжуд ликвид пул ресурсларини кўрсатиб беради. Эркин пул оқими компания қийматини баҳолаш усулларида асосий мезонлардан бири сифатида хизмат қилади. Агар корхонанинг эркин пул оқими юқори ва барқарор бўлса, бу унинг молиявий жиҳатдан соғлом экани ва келгусида ўсиш ҳамда акциядорларга дивиденд тўлаш салоҳияти мавжудлигини билдиради. Акси ҳолда, эркин пул оқимининг паст ёки манфий кўрсаткичи корхонанинг операцион фаолияти етарлича нақд фойда келтирмаётгани ёки унинг капитал харажатлари ортиғича юқори эканидан дарак беради – бундай ҳолат узоқ муддатда компаниянинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Пул оқимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш корхонанинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий ҳолатини чуқурроқ англаш имконини беради. Пул оқимларининг иқтисодий мазмуни аввало уларнинг бухгалтерия фойдаси нисбатан мустақил аҳамиятга эга кўрсаткич эканлигида намоён бўлади. Бухгалтерия даромади (фойда) кўпинча пул оқимидан фарқ қилади, чунки фойда ҳисоб-китоб усулида шакллантирилади – яъни даромадлар пул тушуми қайд этилишидан қатъи назар, улар ишлаб топилган пайтда ҳисобга олинади, харжатлар эса тегишли мажбурият вужудга келганда ёзиб қўйилади. Демак, корхона ҳисоботда фойда кўрсатаётган бўлса ҳам, реал пул оқими манфий бўлиши мумкин, ёки аксинча, ҳисоботда зарар қайд этилган бўлса-да, амалда нақд пул қолдиғи ошиши мумкин. Агар корхона маҳсулотни сотиб даромад топган бўлса-ю, лекин харидор пулни кейинчалик тўлайдиган бўлса (бўлиб-бўлиб тўлаши келишилган бўлса), ушбу операциядан фойда шаклланади, бироқ шу вақтда нақд пул тушуми ҳали амалга ошмайди – даромад ва пул оқими ўртасида тафовут пайдо бўлади. Агар корхона ўз омборига катта миқдорда товар моддий захира харид қилиб кирим қилган бўлса, бу учун нақд пул сарфланади, аммо ушбу харажат маҳсулот сотилмагунча фойда ва зарар ҳисоботида харажат сифатида тан олинмайди. Натижада корхонанинг нақд пул маблағи камаяди, аммо бу операция даромад олдини камайтирмайди (хатто фойда кўрсаткичи ўзгармаслиги мумкин). Шунингдек, корхона қарзнинг асосий суммаси (кредитнинг бадали)ни қайтарганда, катта миқдорда нақд пул чиқим қилинади, лекин бу тўлов фойда ва зарар ҳисоботи учун харажат ҳисобланмайди.

Бундан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисобида харажат сифатида акс этмайдиган бундай операциялар корхонанинг пул оқимини камайтиради ва бизнесни вақтинчалик нақд пул танқислиги ҳолатига туширади. Пул оқимларининг иқтисодий мазмунини тушуниб етишдаги навбатдаги муҳим жиҳат – бу корхонанинг ликвидлик ва тўловқобилиятлилик масаласидир. Корхона фойда кўраётгани унинг етарли нақд пули борлигини англатмайди. Айнан пул оқими ликвидликни таъминлайди, яъни компаниянинг ўз қисқа муддатли мажбуриятларини узоқ олдиндан хорижий маблағларсиз қоплай олиш-олмаслигини кўрсатади. Пул оқимлари орқали корхона ўз иш ҳақи, таъминотчиларга тўловлар, солиқлар ва фоизлар каби зарур тўловларни ўз вақтида амалга ошириш қобилиятига эга бўлади. Агар пул оқими барқарор ва етарли бўлмаса, корхона ҳисобида юқори фойда кўрсатаётган тақдирда ҳам ликвидлик инқирозига юз тутиши мумкин. Шу боис инвесторлар ва кредиторлар компаниянинг операцион пул оқимини доимо диққат билан кузатиб борадилар – бу кўрсаткич

компаниянинг хўжалик фаолиятини ички пул оқимлари ҳисобига молиялаштира олиш салоҳиятини ва ўз қарз мажбуриятларини қоплаш қобилиятини баҳолашда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Масалан, йирик халқаро онлайн-ритейлер Amazon мисолида, компания бир молиявий йил давомида катта ҳисобий зарар кўрсатганига қарамай, унинг операцион фаолиятдан нақд пул тушумлари жуда юқори бўлгани ва молия бозорларидан ҳам салмоқли маблағ жалб эта олгани сабабли инвесторлар унга ишонишда давом этганлари кузатилган. Бу ҳолат шундан келиб чиққанки, Amazon ўша даврда инвестицион фаолияти учун улкан сармоялар йўналтирган (натижада инвестиция пул оқими жуда салбий бўлган), бироқ унинг асосий тижорат фаолиятидан пул тушумлари барқарор ўсиб борган ва қарз маблағлари ҳисобига етарлича ликвидлик таъминланган эди. Шу тариқа инвесторлар компания пул оқимларини таҳлил қилиб, унинг келгусида соф фойдага эришиш салоҳиятига ишонган. Демак, пул оқимларини батафсил таҳлил қилиш корхона молиявий ҳолатини холис баҳолашда жуда муҳим: салбий пул оқими ҳар доим ҳам ёмон белгини билдирмайди, агар у келажакдаги ўсиш учун амалга оширилаётган инвестициялар туфайли юзага келган бўлса; худди шу каби, юқори ижобий пул оқими манбалари ва барқарорлигини ўрганиб, компаниянинг узоқ муддатли ривожланиш истиқболларини чиқариш мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, пул оқимларининг моҳияти ва уларни шакллантирувчи омилларни чуқур англаш ҳамда пул оқимларини самарали бошқара билиш корхонанинг молиявий барқарорлиги, ривож ва акциядорлар қийматини оширишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири сифатида эътироф этилади.

Пул оқимларини бошқариш ва режалаштириш бугунги кунда корхоналар молиявий менежментининг стратегик жиҳатига айланган. Молиявий менежментда пул оқимини прогноз қилиш ва каса вакиллик режасини тузиш ишлаб чиқилган бўлиб, бу орқали корхона олдиндан қайси даврда нақд пул етишмовчилиги ёки ортиқча қолдиқ ҳосил бўлишини билиб олади ва тегишли чораларни кўради. Пул оқимларини турли графиклар ва жадваллар кўринишида визуал таҳлил қилиш амалиёти ҳам кенг тарқалган – бундай воситалар раҳбарлар ва инвесторларга пул оқими динамикасини тезроқ тушуниш ва тўғри қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Адабиётлар/Литература/References:

- Бочаров, В.В. (2019) *Управление денежным оборотом предприятий и корпораций. Финансы и статистика*, Москва, 144 с.
- Бригхем Ю., Джозел А. Хьюстон. (2013) *Финансовый менеджмент*. –СПб.: Питер.
- Бланк И.А. (2005) *Финансовый менеджмент: учебн. курс*. – 2-е изд. перераб. и доп. – К.: Эльга, Ника-Центр.
- Брейли Р., Майерс С. (2014) *Принципы корпоративных финансов*. – М.: Олимп Бизнес.
- Ван Хорн Джеймс К., Вахович Джон М. (2008) *Основы финансового менеджмента*. 12-е изд. - М.: "И.Д. Вильямс", - 1232
- Бочаров В.В. (2000) *Финансовое планирование*. – СПб.: Питер.
- Воронченко Т.В. (2012) *Прогнозирование и анализ движения денежных потоков. //Экономический анализ: теория и практика. №4(169). – С. 46-51.*